



АҚШ СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Тураев Улугбек Ғайрат ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

2-курс магистри

Аннотация: Мақолада суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси АҚШ, Европа ҳамда Осиёнинг тараққий этган давлатлари Япония ва Хитой мисолида тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада глобализация шароитида жаҳон миқёсида суғурта фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ўзгариш ва тенденциялар таҳлил этилган. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда суғурта фаолиятини тартибга солишнинг илғор ва замонавий шакллари Ўзбекистон суғурта фаолияти амалиётида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта фаолияти, суғурта компанияси, суғурта сектори, суғурта фаолиятини тартибга солиш, суғурта маҳсулоти, суғурта компаниясининг тўлов қобилияти.

Суғурта бозори фаолиятини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ва ялпи ички маҳсулот яратиш ҳамдатадбиркорлик барқарорлигини таъминлашга кўшилаётган ҳиссани ошириш суғурта соҳасида турли инновацияларни қўллашга асосланиши керак. Ушбу жараёнда муаммоларни келтириб чиқарадиган ва бундай аниқ соҳада инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга тўсқинлик қилувчи сабабларни аниқлаш вауларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан камраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Суғурта фаолияти иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларидан тубдан фарқ қилади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, суғурта компанияси дастлаб суғурта маҳсулотини сотганлиги учун суғурта мукофоти тарзида хизмат ҳақи олади. Мобода, суғурта шартномаси амалда бўлган давр ичида суғурта ҳодисаси содир бўлгандагина суғурталовчи зиммасига олган мажбуриятни, яъни “ваъда”ни бажаради. Д. Бланд (David Bland)нинг таъбири айтганда суғурталовчи суғурта қилдирувчига ваъдани сотади. Суғурта компанияларнинг мазкур хусусияти уларнинг тўлов қобилияти мустаҳкам бўлишини ва ҳар қандай ҳолатда суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради. Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солиб борилади. Шуниси диққатга сазоворки, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш давлатларнинг тузилиши, иқтисодий сиёсати ва бошқа омилларидан келиб чиқиб, бир-биридан фарқ қилади. масалан, АҚШда азалдан суғурта фаолиятини тартибга



солиш федерал даражада эмас, балки штатлар даражасида амалга оширилади. Европа Иттифоқида эса суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, бир томондан Иттифоқ доирасида, иккинчи томондан, унга аъзо-давлатларнинг ваколатли идоралари зиммаларига юклатилган. Европа Иттифоқи доирасида Европа суғурта ва меҳнат пенсияси хизмати ташкил этилган бўлиб, у Европа Комиссиясининг мустақил маслаҳат органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси Европа Иттифоқи доирасида суғурта фаолиятини тартибга солишга оид қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш, аъзо-давлатлар билан келишган ҳолда ушбу ҳужжатларни Европа Иттифоқи Парламенти ва Кенгашига тақдим қилишдан иборат. Ҳозирги кунда жаҳонда суғурта фаолиятини тартибга солиш борасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунга мисол тариқасида бутун дунёда глобализация жараёнларининг тез суръатлар билан амалга ошиши ва бу ҳолат, ўз навбатида давлатларнинг суғурта фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқлаштириш, суғурта соҳасида мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш бўйича ҳамкорликни кучайтиришни кун тартибига қўймоқда. Глобализация жараёнларининг суғурта фаолиятига таъсири тўғрисида Е.Жегалова ўз тадқиқот ишида тўхталиб ўтар экан, глобализация жараёни алоҳида давлатларнинг жаҳон молия ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиши баробарида янги технологияларни жорий этиш ҳисобига молиявий барқарорлигини оширишларига катта имконият яратишини қайд этган.

Andy Winkler амалга оширган тадқиқот натижалари 2008-2009 йилда бўлиб ўтган жаҳон молиявий инқирози глобал тизимли аҳамиятга эга бўлган суғурта компанияларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатгандан сўнг алоҳида давлатлар ва суғурта секторини халқаро тартибга солувчи органлар суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ капиталга ўрнатилган талаблар ва бошқа стандартларни қайта кўриб чиқиш бўйича фаол ҳаракат қилаётганлигини кўрсатган. Тадқиқот муаллифи мазкур глобал суғурта компаниялари ва уларнинг кўп сонли шуъба компаниялари бутун дунё бўйлаб миқозларга суғурта хизматларини кўрсатишлари бир қанча юрисдикцияларни камраб олган тартибга солувчи органлар фаолиятини тузилмавий қайта кўриб чиқиш зарур деган хулосага келган. Organization for Economic Co-operation and Development (OECD) экспертлари суғурта компанияларининг турлари суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органларига таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрларига кўра, суғурта компанияларининг ҳажми ва мураккаблиги тартибга солувчи орган фаолиятига таъсир кўрсатиши, кўпроқ, тегишли давлат органида ишлайдиган ходимлар сони ва бюджетига таъсир кўрсатади. Суғурта фаолиятини тартибга солишга оид олим ва мутахассисларнинг қараш ва ёндашувларини таҳлил этар эканмиз, Baird Webel ва Carolyn Cobbнинг бу борадаги илмий изланишлари эътиборимизни тортди. Ушбу муаллифнинг ёзишича, суғурта фаолиятини тартибга солишнинг классик шаклланган мақсади суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва уларнинг бизнес фаолиятини мониторинг



қилиш орқали суғурта маҳсулоти истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Baird Webel фикрини давом эттириб, таъкидлайдики, ғоя шундан иборатки, одатда, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари суғурта компанияси билан бир хил позицияда турмайди, шу туфайли, суғурта шартномаси шартларини давлат назорат қилиши лозим.

Henry Ellis умумий суғурта тармоғида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларига нисбатан ҳаётни суғурталаш билан шуғулланаётган компаниялар фаолиятини давлат томонидан қаттиқ тартибга солиш ва назорат қилиш керак, деган фикрни илгари сурган. Уни таъкидлашича, суғурта полиси эгалари, наф олувчилар ва акциядорларга тегишли бўлган йирик миқдордаги пул маблағларини сақловчи ва ҳаракатга келтирувчи ҳаётни суғурталашга ихтисослашган компаниялар фаолиятини назорат қилиш ўринли. Бунга асосий сабаб шуки, ушбу тоифадаги суғурта компанияларининг иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қилиши ва молиявий барқарорлигини йўқотиши, пировардида, салбий иқтисодий ва сиёсий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра, умумий суғурта тармоғида фаолият юритадиган суғурта компанияларига нисбатан ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар фаолиятини қаттиқроқ назорат қилиш зарур, деган хулосага келган Henry Ellis.

Суғурта бозорини тартибга солишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ҳақида сўз борганда, аввало, АҚШнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас. Гап шундаки, АҚШ суғурта бозори, аксарият кўрсаткичлар бўйича дунё миқёсида етакчи мавқега эгалиги билан бизда илмий-амалий қизиқиш уйғотади. Swiss Re Institute халқаро тадқиқот марказининг маълумотларига кўра, 2018 йил якунлари бўйича АҚШ суғурта компаниялари томонидан жами 1 469,0 млрд.АҚШ доллари миқдорида суғурта мукофотлари келиб тушган. Агар, шу йили глобал суғурта бозори бўйича тўпланган суғурта мукофотларининг миқдори 5 193,0 млрд.АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, бунда АҚШнинг ҳиссаси 28,3 фоизни ташкил этганлигини аниқлаш қийин эмас. АҚШда суғурта фаолиятини тартибга солиш тизими бошқа давлатларнинг суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимидан кескин ажралиб туради. Ушбу давлатда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш федерал даражада эмас, балки штатлар даражасида амалга оширилади. 1945 йилда АҚШ Конгресси суғурта бизнесини штатлар ҳукуматлари томонидан тартибга солиниши ижтимоий манфаатларга мос келишини назарда тутувчи Маккарран-Фергюсон Қонунини (McCarran–Ferguson Act) қабул қилди.

Ҳар бир штатда суғурта комиссариатлари ташкил этилган бўлиб, уларга суғурта комиссарлари раҳбарлик қилади. АҚШда суғурта фаолияти расман штатлар доирасида тартибга солинсада, шу билан бирга федерал даражада ташкил этилган турли ташкилот ва ассоциациялар мавжуд. Улардан бири 1871 йилда АҚШ штатларининг суғурта соҳасини тартибга солувчи органлари бир штат доирасидан ташқари, бошқа штатларда ҳам суғурта хизматларини кўрсатадиган суғурта компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласини ҳал қилиш мақсадида



Суғурта комиссарларининг миллий ассоциациясини (National Association of Insurance Commissioners - NAIC) ташкил этган . Ассоциация томонидан АҚШ суғурта компаниялари учун ягона бўлган молиявий ҳисоботни ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Шундан сўнг янги ассоциация томонидан яратилган қонунчилик концепциялари, маълумотларни тўплаш ва уларни етказишнинг янги тажрибаси ҳамда йирик технологик салоҳият сари интилиши NAICни кўп қиррали мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органи сифатидаги ролини янада оширди. Ҳозирги кунда АҚШ суғурта комиссарларининг миллий ассоциацияси штатларнинг суғурта комиссариатларига суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти, молиявий ҳисоботи, таваккалчиликка асосланган капиталнинг етарлилиги, бухгалтерия ҳисоби, қайта суғурта, инвестиция ва халқаро суғурта соҳаларида техник экспертиза хизматини кўрсатмоқда.

АҚШ суғурта комиссарларининг федерал ассоциацияси ва штатларнинг суғурта комиссариатлари ўртасида суғурта секторини тартибга солиш юзасидан ишчан ва самарали алоқа ўрнатилган. Бу фақат суғурта секторини ривожланишига хизмат қилади. Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ва Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси ўртасида суғурта бозорини тартибга солиш ва назорат қилиш борасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Амалга оширилган тадқиқот натижалари, Хитой банк ва суғурта ишини тартибга солиш комиссияси томонидан суғуртанинг фундаментал терминлари, барча суғурта маҳсулотлари, суғурта шартномаси, суғурта қопламалари, маркетинг ва сотиш бўйича атрофлича маълумотларни ўз ичига олган миллий стандартнинг ишлаб чиқилганлиги бизда катта қизиқиш уйғотди. Фикримизча, мана шундай стандартни Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки, мазкур стандарт орқали кўп сонли суғурта маҳсулоти истеъмолчилари суғурта фаолиятига оид билим ва қарашларини ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Юқоридагиларни умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш натижалари бўйича шакллантирилган хулоса ва таклифлар мамлакатимизнинг суғурта фаолиятини тартибга тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bland David, Insurance: Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute, 1993, ISBN 1-85369-112-7, page 26.
2. Shennaev X. O'zbekiston su'gurta bozori. Toshkent, Iqtisod-Moliya nashriyoti, 2013. – 130-bet.
3. Tukhtabaev, J. S., Botirov, E. X., Xasanov, N., Uktamov, K. F., & Rakhimov, I. I. Jamshid Sharafetdinovich Tukhtabaev-Prospects for the establishment and development of fat clusters in food safety.



4. Patra, I., Ansari, M. J., Emad Izzat, S., Uktamov, K. F., Abid, M. K., Mahdi, A. B., ... & Sharma, H. Synthesis of efficient Co-MOF as reusable nanocatalyst in the synthesis new 1, 4-dihydropyridine derivatives with antioxidant activity. *Frontiers in Chemistry*, 943.

5. Tukhtabaev, J., Jalilov, I. X., Uktamov, K. F., Kukhar, V. S., & Neverova, O. P. NECESSITY OF USING INTERNAL AUDIT SERVICE IN ECONOMIC ENTITIES. *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (8), 393-397.

6. Тухтабоев, Д., Разакова, Б., & Уктамов, Х. (2020). THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF THE COUNTRY.

7. Uktamov, X. (2020). Korxonalarining iqtisodiy xavfsizlik tizimini tashkil etishning nazariy asoslari. *Архив научных исследований*, (21).

8. Uktamov, X. (2020). МЕХАНИЗМЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ. *Архив научных исследований*, 34.

9. Уктамов, Х. Ф. (2022). КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ БАҲҚАРОРЛИГИ ТУШУНЧАСИГА НИСБАТАН ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР. *YANGI O'ZBEKISTONDA MILLIY TARAQQIYOT VA INNOVASIYALAR*, 15-18.

10. Uktamov, K. F. (2022). THE ECONOMIC SECURITY OF THE STATE: THE INSTITUTIONAL ASPECT. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(6), 1626-1633.

11. Уктамов, Х. Ф. (2022). КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1).

12. Уктамов, Х. Ф. (2022). САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ. *Архив научных исследований*, 2(1).

13. Uktamov, K. F. (2021, July). FACTORS AFFECTING THE SUSTAINABILITY OF "UZKIMYOSANOAT" IN UZBEKISTAN. In *E-Conference Globe* (pp. 281-282).

14. Nazarova, S. A., Mirzarahimov, B. H., Narmanov, U. A., Ortikov, O. H., & Uktamov, K. F. (2021). The Role Of Uzbek Tourism Culture And Its Historical And Cultural Transformation Processes In Economic Development. *Int. J. Of Aquatic Science*, 12(3), 2776-2785.

15. Baratova, D. A., Khasanov, K. N., Musakhonzoda, I. S. O., Tukhtarova, M. Y. Q., & Uktamov, K. F. (2021). Econometric Assessment of Factors Affecting the Development of Life Insurance in Uzbekistan. *REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS*, 11(2), 1123-1138.

16. Уктамов, Х. Ф. (2017). Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик тизимини ташкил этишнинг назарий асослари “Ўзбекистон иқтисодиётининг инноватцион ривожланиши доирасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг долзарб муаммолари” мавзусида республика илмий-назарий



конференцияси 2017 йил 14-декабр, Тошкент ш. *Тошкент давлат иқтисодиёт университети*.

17. Уктамов, Х. Ф. (2018). Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-назарий жихатлари. *Бизнес-Эксперт журнали*, 7.

18. Salah Aldeen, O. D. A., Mahmoud, M. Z., Majdi, H. S., Mutlak, D. A., Fakhriddinovich Uktamov, K., & Kianfar, E. (2022). Investigation of Effective Parameters Ce and Zr in the Synthesis of H-ZSM-5 and SAPO-34 on the Production of Light Olefins from Naphtha. *Advances in Materials Science and Engineering*, 2022, 1-22.